

2019

The history of studying Khusrav Dekhlavi's work

FeruzaNIZAMOVA

International Islamic Academy of Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

NIZAMOVA, Feruza (2019) "The history of studying Khusrav Dekhlavi's work," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 19.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss2/19>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

FeruzaNIZAMOVA,
International Islamic Academy of Uzbekistan,
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

ИСТОРИЯ ИЗУЧЕНИЯ ТВОРЧЕСТВО ХОСРОВА ДЕХЛЕВИ

THE HISTORY OF STUDYING KHUSRAV DEKHLAVI 'S WORK

Калит сўзлар: форсий адабиёт, тасаввуф, рубоий, бадиий тимсол, назм, шоир, жанр, таҳлил, асар, тил.

Ключевые слова: персидская литература, суфизм, рубаи, образ, поэзия, поэт, жанр, анализ, произведение, язык.

Key words: Persian literature, sufizm, rubai, image, poetry, poet, genre, analysis, work, language.

Маънавий меросни ўрганишнинг миллий онг ва миллий ғояни шакллантириш учун нақадар муҳимлигини кўп ўринларда таъкидлаб ўтганмиз. Шубҳасиз, аждодларимиз яратган маънавий-бадиий мерос халқимизнинг миллий ифтихори экани маълум. Шулар қаторида, Ўрта Осиёдан чиққан ижодкор ва мутафаккирларнинг ижодий меросини маънавий-маърифий йўналишда ўрганишнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида ноқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Бу меросни яратган сиймолар орасида мўғул истилосидан қочиб, Ҳиндистонга кетиб қолган, асли кешлик кишининг Деҳлида туғилиб, ижоди ўша юртда шаклланган фарзанди, сўз санъати бобида шухрат топиб, адабиёт ихлосмандлари кўнглидан абадулабад жой олган ижодкор, форс-тожик адабиётининг буюк намояндаси Амир Хусрав Деҳлавий ҳам бор.

Амир Хусрав Деҳлавий ижоди ўрта асрлар сўз санъати тараққиётининг муҳим бир ҳодисаси сифатида, табиийки, кейинги асрларда турли юрт тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлиб келган.

Мақолада Амир Хусрав Дехлавийнинг рубоий жанридаги улкан мероси ўрганишга ҳаракат қилинган. Мақоланинг мақсади шоир асарларидаги мафкуравий ва бадий усулни ўрганиш, шоирнинг рубоий жанридаги маҳоратини аниқлаш, шунингдек, рубоийларини таҳлил қилиш орқали форс-тожик адабиёти тарихида унинг асарлари ўрнини аниқлашдан иборатдир. У ислом оламидаги форс ва тожик тилларида ижод қилувчи шоирларнинг асарларига кучли таъсир кўрсатгани илмий ҳақиқатдир. Шоирнинг асарларига, шу жумладан унинг рубоийларига қизиқиш шоирнинг ўрта асрларда мустақил мактаб ярата олганлиги билан боғлиқ. Амир Хусрав Дехлавий ўз даврида форс адабиётининг барча жанрларида ижод қилган. У рубоий ёзиш соҳасида камдан-кам учрайдиган файласуфдир. Шоирнинг барча асарлари Худо, коинот, инсоният, ҳаёт, ер, севги каби фалсафий фикрлар билан тўлаллиги ва асарларидаги сўзларнинг мукамал танлангани туфайли ноёб меросга айланди. Бу доирадаги улкан ютуқлар шоирнинг рубоийларига ҳам тегишлидир. Унинг рубоийларида шеърининг ҳар қайси соҳасига тегишли романтик мавзу асосий омил ҳисоблансада, ижтимоий ва фалсафий фикр доирасида ҳам кенг тарқалди. У ҳар қандай мавзуни ўзининг шеърлари орқали етказиб бера оладиган истеъдод соҳиби эканлиги билан инсонларни ҳайратда қолдиради. Мақолада айтиб ўтилган фикрлар шоир яшаб, ижод этган адабий муҳит ва унинг асарларининг Шарқ адабиёти ривожигаги ўрни ва аҳамиятини очиқ беришга қаратилган.

В статье предпринята попытка кратко изучить огромное наследие Амира Хусрава Дехлави в жанре рубаи. Целью статьи является изучение идейно-художественной системы произведений поэта, выявление мастерства поэта в жанре рубаи, а также определение роли его произведений в истории персидско-таджикской литературы посредством анализа его рубаи. Это научный факт, что он оказал глубокое влияние на произведения других поэтов мусульманского мира, которые впоследствии писали на персидском и тюркском языках. Интерес к творчеству поэта, в том числе к его рубаи, связан с тем, что поэту удалось создать самостоятельную школу в средние века.

Амир Хусрав писал во всех жанрах персидской литературы своего времени. Он также редко встречающийся философ в области письма рубаи. Все произведения поэта полны философскими мыслями о Боге, вселенной, человеке, жизни, земле, любви и стали уникальным наследием благодаря совершенному подбору слов в его произведениях. Большие достижения в этой сфере также принадлежат рубаи поэта. Хотя тема, характерная для всех видов поэзии, романтика – является доминирующим фактором его творчества, а область социально-философской мысли также обширна. Он поражает людей тем, что является талантливым мастером, который своими стихами способен передать любую тему. Очевидно, что идеи, выраженные в статье, направлены на определение литературной среды, в которой жил и работал поэт, их значения для творчества поэта и роли в развитии восточной литературы.

The article attempts to briefly explore the great legacy of Amir Khusrav Dekhlavi in the rubai genre. The purpose of the article is to study the ideological and artistic system of the poet's works, to reveal the poet's mastery in the rubai genre, and to determine the role of his works in the history of Persian-Tajik literature by analyzing his rubai. It is a scientific fact that he had a profound influence on the works of other poets of the Muslim world, who later wrote in Persian and Turkic languages. Interest in the poet's work, including his ruba'i, is connected with the fact that the poet managed to create an independent school in the Middle Ages.

Amir Khusrav wrote in all genres of Persian literature of his time. He is also a rare philosopher in the field of writing rubai. All the works of the poet are full of philosophical thoughts about God, the universe, man, life, earth, love and have become a unique legacy thanks to the perfect selection of words in his works. The great achievements in this field also belong to the poet's ruba'i. Although the theme is characteristic of all types of poetry, romance is the dominant factor in his work, and the field of socio-philosophical thought is also extensive. He amazes people by being a talented master who is able to convey any topic with his poems. Obviously, the ideas expressed in the article are aimed at defining the literary environment in which the poet lived and worked, their significance for the poet's work and their role in the development of Oriental literature.

Ўрта асрларда машҳур бўлган Давлатшоҳ Самарқандий («Тазкират уш-шуаро»), Амин Аҳмад Розий («Ҳафт иқлим»), Шайх Озари («Жавоҳир ул-асрор»), Шерхони Лудий («Миръот ул-хаёл»), Амир Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий («Мажолис ул-ушшоқ») асарларида, Шамсиддин Сомий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ризоқулихон Ҳидоят тазкираларида Амир Хусрав шахси ва ижоди ҳақидаги умумий маълумотларга дуч келамиз. Аммо

уларда шоирнинг девон, қасида ва эпик дostonлари ҳақида мулоҳазалар берилгани ҳолда, унинг рубоийлари ҳақидаги фикрларни деярли учратмаймиз.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари қисмларида, ўша пайтлар, ижод аҳлига баҳо беришда уларнинг Амир Хусрав шеърларини қай даражада билгани, тўлагани, уларга мухаммаслар, назиралар ёзгани бадий сўз соҳасида билимдонлик мезонларидан бири ҳисоблангани кузатилади.

Жаҳон адабиётшунослигида Амир Хусрав ижоди катта эҳтиром билан ўрганилади ва шу пайтгача талайгина тадқиқот ишлари юзага келди. Тадқиқотчилардан Шибли Нуъманий, Е.Б. Кавель, Хаммер, Шпрингер, Г. Эте, Чарльз Ръё, Гарсин де Тасси, Ян Рипка, Арберри, Забихулло Сафо, Саид Нафисий, тарихчилардан Зиёуддин Бараний, Муҳаммад Қосим Ҳиндушоҳ, Амир Хурд, Н.М.Эллиот ва бошқалар Амир Хусрав шахсияти ва у яшаган муҳит ҳақида талай маълумот берганлар [1;7 б.]. Тожик олими М.Бақоев бирламчи манбалардаги маълумотлардан шоирнинг илмий биографиясини яратишга, ижодий меросини бирмунча кенг кўламда ўрганишга муваффақ бўлган [2;33 б.].

Республикамизда ҳам Амир Хусрав Деҳлавий ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида анчагина ишлар қилинган. 1965 йили Ш. Шомухамедов ташаббуси билан ТошДУ Шарқ факультети таркибида «Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти» кафедраси ташкил қилинди ва унга олимнинг ўзи мудир этиб тайинланди. Бу кафедра шарқ халқлари адабиётини ўрганиш борасида салмоқли ишларни амалга оширди. Хусусан, Амир Хусрав Деҳлавий ижодини атрофлича ўрганиш бўйича собиқ Иттифоқда ягона марказ бўлиб қолди. Ўша пайтлардаёқ мазкур мавзу бўйича 100 дан ортиқ мақола, 4 та тўплам, 5 та монография эълон қилинди. Шунингдек, 3 та докторлик ва 8 та номзодлик диссертациялари ёқланди. Улар қаторида Жаъфар Ифтихор, Босит Мусаев, Суюма Юлдашева, Муҳаммаджон Имомназаров, Аҳмаджон Қуронбеков, Гулхумор Тўйчиева ва бошқалар бор.

1968 йилда Жаъфар Ифтихор «Текстологическое исследование поэмы «Хашт Бехешт» Амира Хусрава Дехлеви» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. 1969 йилда Босит Мусаев проф. Ш.М. Шомухамедов раҳбарлигида Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий кенгашида «Текстологическое исследования газелей «Тухфат ас-сигар» Амира Хосрова Дехлеви» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлади. Шундан кейин у Амир Хусрав Деҳлавийнинг барча девонлари ғазалиётини мавзу қилиб олади ва ишга киришди. Аммо бевақт ўлим (1988 й.) бу ишни амалга оширишга йўл бермади.

1974 йил ноябрь ойида Суюма Юлдашева СССР ФА Шарқшунослик институти илмий кен-

гашида «Художественные особенности поэмы «Хашт бехешт» Амира Хосрова Дехлеви» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1975 йилда Муҳаммаджон Имомназаров Москвада СССР ФА Шарқшунослик институти илмий кенгашида «Хусрав Деҳлавийнинг «Ширин ва Хусрав» достони лексикасининг статистик-семантик хусусиятлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. 1986 йилда эса Тожикистон ФА Рудакий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий кенгашида «Хусрав Деҳлавий эпик ижодида бадий метод ва поэтика масалалари» деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олимнинг «Тўққиз осмон юлдузлари» рисоласи Хусрав Деҳлавийнинг эпик ижодини ўрганишга бағишланган йирик асар сифатида майдонга келди. (Тўққиз осмон юлдузлари. – «Эътиқод ва хаёл бирлиги» тўпламида. Т., 1989).

1980 йилнинг апрелида С. Шомухамедова Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий кенгашида «Амир Хусрав Деҳлавийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари» мавзусида диссертация ёқлайди ва фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олади.

1988 йилда А.Қуронбеков Москвада СССР ФА Шарқшунослик институтининг илмий кенгашида «Статистико-семантический анализ класса имён поэмы «Айнаи Искандари» Амира Хосрова Дехлеви» (Амир Хусрав Деҳлавий «Ойнаи Искандарий» достонида исмлар туркумидаги сўзларнинг статистик-семантик таҳлили) деган мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1993 йил Тошкентда Амир Хусрав Деҳлавий ижоди тадқиқотчиларидан бири, эроншунос оlima Гулхумор Тўйчиева таниқли шарқшунос олим Ш.М. Шомухамедов раҳбарлигида илмий иш олиб борди ва «Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Тухфат ас-сигар» девони ғазаллари вазни» деган мавзуда диссертация ёқлади. У айна пайтда «Амир Хусрав Деҳлавий поэтикаси» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида тадқиқот олиб бормоқда.

Амир Хусрав ҳаёти ва ижодининг муайян муаммоларини ёритишда амалга оширилган турли кўринишдаги изланишлар кўлами амда салмоғи таҳсинга сазовор [3;65 б.]. Юзага келган тадқиқотлар манбаларнинг кўпчилиги билан танишиб чиқи-

шимиз натижасида шундай хулосага келдикки, бу ишларда Амир Хусрав Деҳлавийнинг ижодий мероси жумласидан кўпроқ эпик дostonлари ва ғазалиётни тадқиқот объекти бўлиб келган, ammo унинг рубойларига жуда кам тўхталинган.

Форс-тожик адабиётидаги рубой жанрига эътиборни таниқли эроншунос олим Е.Э.Бертельснинг илмий меросида учратамиз. У Х аср Бухородаги шеърятни ўрганиш асносида ўша давр рубой жанри хусусида қисқа бўлса-да, тўхталиб ўтади. У Авфий тазкирасидаги Абу Шукр Балхий қаламига мансуб биргина рубойни келтириш билан чекланиб қолади. «Рубойнинг ибтидоий ҳолати исломдан олдинги даврларда ҳам кузатилган шеър шакли экани шубҳасиз. У ҳозир ҳам Эронда кўп тарқалган бўлиб, маълум даражада биздаги частушкаларнинг вазифасини ўтаб келади», – деб ёзди Е.Э.Бертельс. У сомонийлар даври адабиётида ҳали яхши шаклланмаган бу жанрнинг форс-тожик адабиётида жуда секинлик билан ривожланиб келганига диққатимизни қаратади ва бу йўналишда тадқиқотлар олиб боришга даъват этади [4;65 б.].

Форс-тожик адабиётидаги рубой жанрининг юзага келишини атрофлича ёритиб берган олима А.К. Козмоян ўз изланишларини Х–ХII аср рубойнавис шоирлари ижодий мероси асосида олиб борди [5;26 с.]. Мазкур иш умуман рубой жанрининг, хусусан, форс-тожик адабиётида бу жанр турининг назарий жиҳатларини очиб беришга бағишланган асосий тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Унда рубойнинг шаклланишидан тортиб, босқичма-босқич юксалиб бориш жараёнича яхши акс этирилган. Тадқиқотнинг алоҳида шоирлар ижоди мисолида олиб борилгани турли шоирлар ижодида жанрнинг индивидуал қирраларини кузатиш имконини беради. Бу тадқиқот Амир Хусрав ижод қилган давр арафасида рубойнинг мустақил жанр сифатидаги аҳволдан хабардор бўлиш учун яхши манба ҳисобланади.

Амир Хусрав ижоди бўйича кўп тадқиқотлар олиб борган тожик олими Муҳаммадвафо Бақоевнинг шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги монографияси эса ўзидан кейинги хусравшунослик учун янги саҳифа очди. Бу тадқиқотда Амир Хусравнинг ҳаёт қирралари ва улкан мероси бирмунча кенг таҳлил этилади. Мазкур тадқиқотда асосий ўрин шоирнинг дostonлари, ғазалиёти ва қасидаларига берил-

ган бўлса-да, унинг рубойлари хусусида ниҳоятда сиқик ҳолатда, ammo, муҳим фикрлар билдирилган. Муаллиф аввало, Амир Хусрав рубойларининг умумий миқдори ва уларнинг беш девон ичра жойлашуви ҳақида мулоҳазалар юритган ва рақамлар келтирган (868 та). У ҳам умум фикрига қўшилган ҳолда рубойларнинг сонини бундан кўра кўпроқ бўлиши керак деб ҳисоблайди [6;204 б.]. Муаллиф мавзуларини туркумлаштириб, алоҳида рубойлардан бир қанчасининг нималарга бағишланганини санаб ўтади. М.Бақоев ўз тадқиқотида шоирнинг бу жанр ривожига қўшган ҳиссасига бирма-бир тўхталади. Тематик жиҳатдан, анъанавий мавзулар билан бир қаторда оддий нарса ва ҳодисаларга ҳам рубой бағишлангани айтиб ўтилади. Айниқса, рубойнинг шаклий жиҳатларини кузатиш қизиқ натижалар берган. Муаллиф шоир ижодида мустақил рубой, муаммо рубойлар мавжудлигини бу соҳадаги янгилик сифатида қайд этади. Мазмун жиҳатидан мисра ва байтлараро мантқиқий боғланишга эътибор қаратилади. Таҳлил давомида ўртага ташланган фикрларнинг ҳар бири кишини янги-дан-янги изланишларга чорлайди. Ammo бу китобни нашрга тайёрлаган З.Аҳорийнинг муқаддимада эътироф этишича, «Мазкур ишда айрим масалалар билан бир қаторда шоир рубойлари тадқиқототи ҳам «нотамом» қолган.

Эрон адабиётшунослигида ҳам рубой жанрига бағишланган бир қатор илмий ишлар мавжуд. Чунончи, Муҳаммад Комкор Посийнинг «Рубой ва рубойсароён аз оғоз то қарне ҳаштуме ҳижрий», Шамисонинг «Сайри рубой дар шеъри форсий», Масъуд Фарзоднинг «Масъалае ҳаштод солае вазни рубой» каби китоблари турли тадқиқотларда ёдга олинади [6;89 б.]. Ammo бу китобларни қўлга кириштиришнинг имкони бўлмагани учун бу хусусда бирор гап айта олмаимиз.

Кўриб турганимиздек, бу давр ичида Амир Хусрав ижоди, айниқса, унинг маснавий, қасида ва ғазалиётига бағишланган илмий тадқиқотлар кўп-лаб яратилгани ҳолда, унинг кўпсонли рубойлари махсус ўрганилмаган. Уларнинг айримларида шоирнинг рубойлари хусусида турли муносабатлар билан тўхталиб ўтилган бўлса-да, ammo бу мавзу махсус тадқиқот объекти бўлган эмас. Бунинг сабабларини хусравшунослар қуйидагича изоҳлашади:

1. Шоир ижодини том маънода илмий ўрганиш фақат XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди.

2. Амир Хусрав Деҳлавий барча асарларининг илмий-танқидий матни яратилмади.

3. Амир Хусрав Деҳлавий ижодини ўрганиш бўйича «марказ» иши тўхтаб қолди.

4. Хусравшуносларнинг режа бўйича олиб борётган тадқиқотлари рубойларгача етиб келмади.

5. Шоир рубойлари жуда оз миқдордагина нашр қилинди.

Шу боис, Амир Хусрав Деҳлавий рубойларининг ўрганилиш тарихи, фаолияти билан яқиндан танишиш, рубойларидаги бадиий маҳоратнинг янги қирраларини кашф этиш долзарб аҳамиятга эга. Ҳолбуки, рубой шоирнинг дунёқарашини ифодаловчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлган жанр ҳисобланади. Зотан, у қайнаб-тошиб чиқаётган илҳомнинг, жўшқин таассуротнинг мевасидир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Shomuhamedov SH., Musaev B. Amir Xusrav Dehlaviy. – Т.: Fan, 1971.

2. Baqoev M. Hayot va ejodiyoti Xusravi Dehlaviy. – Dushanbe: Donish, 1975.

3. Aliev G.YU. Persoyazichnaya literatura Indii. – М., 1968, s. 49 – 65.

4. Baqoev M. Xusrav Dexlevi i yego poema «Duvalroni va Xizrzon», AKD. – Stalinobod, 1957, s.19.; Baqoev M. Hayot va ejodiyoti Xusravi Dehlaviy. – Dushanbe: «Donish», 1975; Bertel's YE.E. Chetverostishie sheyxa Najmeddina Kubra, - DRAN, 1924, s.36 – 39; Imomnazarov M. Iz opita sostavleniya slovaryazika Amira Xosrova. – V sb.: «Amir Xosrov Dexlevi», – Т.: 1978; Yo'ldosheva S. Xarakteristika sravneniya v poeme «Hasht behesht» Amir Xosrova Dexlevi. – V sb.: «Amir Xosrov Dexlevi». – Т., 1975, s. 139–147; Munirov Q. Amir Xusrav Dehlaviy asarlarining qo'lyozmalari. –Т.,1975; Musaev B. Amir Xusrav Dehlaviy va Alisher Navoiy. «Sharq yulduzi» jurnali. – Т., 1968; To'ychieva G. O metrike gazeley divana «Tuxfat as-sigar» Amir Xosrova Dexlevi. 1987.

5. Kozmoyan A.K. Ruboi v klassicheskoy poezii na farsi (X–XII vv.). – Yerevan, 1981.

6. دانشنامه ادب فارسی. جلد اول. تهران ۰۸۳۱۰ ص ۱۴۰۱

